

Ishonch

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi gazetasi

Insonga naf keltirish — oliy baxt!

http://www.ishonch-doveric.uz

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqqan boshlagan

2012-yil 12-iyun № 71 (3108) seshanba

2012 йил — Мустаҳкам оила йили

Жиззах туманидаги Янгиобод маҳалласида истиқомат қилувчи Умировлар оиласини кўпчилик ҳавас билан тилга олади. Дарҳақиқат, бу хонадон билан яқиндан танишган киши оилада аҳиллик ва меҳнатсеварлик, орасталик муҳити шаклланишига гувоҳ бўлади. Оила бошлиғи Турғун ака Умиров узок вақтдан буён тумандаги 30-мактабга раҳбарлик қилиб, ёш авлод таълим-тарбияси йўлида астойдил жонбозлик кўрсатиб келмоқда.

Икром ҲАСАНОВ олган сурат



Янги кун янгиликлари

Ўзбекистон «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгашида оилавий маросимларни ўтказишда дабдабозлик ва исрофгарчиликнинг олдини олиш, бунда жамоатчилик ва ёшларнинг фаоллигини оширишга бағишланган мулоқот бўлиб ўтди.

Тошкент Ислам университети билан ҳамкорликда ташкил этилган он-лайн мулоқотда тегишли давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, олимлар ва ёшлар иштирок этди.

Тадбирда оилавий маросимларни миллий урф-одатларимизга мос тарзда нишонлаш, дабдабозлик ва исрофгарчиликнинг олдини олишга қаратилган долзарб вазифалар, йигит-қизларнинг бу борадаги билимини ошириш хусусида фикр алмашилди.

Навоийда «Келажак овози — 2012» республика кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.

«Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ҳамда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши ҳамкорлигида аънавий тарзда ўтказиб келинаётган мазкур танлов истеъдодли ёшларни аниқлаш ва иқтидорини рўёбга чиқаришга хизмат қилмоқда. Ҳар йили ўнлаб ёшлар танлов голиблигини қўлга киритиб, уларнинг ижодий ишлари ва лойиҳалари амалиётга жорий этилаётди.

Танловда унинг қўйи босқичида голиб чиққан беш юздан зиёд ёшлар архитектура ва дизайн, ахборот технологиялари ва рационализаторлик тақлифлари, техник лойиҳалар ва ишланмалар, аънавий ва амалий санъат, адабиёт ва публицистика номинациялари бўйича билим ва маҳоратини синовдан ўтказди.

Танловда барча йўналишлар бўйича голиблар аниқланиб, уларга эсдалик совғалари ва мамлакат босқичида иштирок этиш учун йўланмалар топширилди.

«Ўзқўрғазмасавдо» кўرғазма марказида Президентимиз Ислам Каримовнинг 2007 йил 12 ноябрда қабул қилган «Ички тармоқ ва тармоқлараро саноат кооперациясини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармониغا мувофиқ ташкил этилган Тошкент ҳудудий саноат ярмаркаси ва кооперацион биржа очилди.

Тадбир пойтахт ҳокимлиги ва Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатасининг Тошкент шаҳар бошқармаси томонидан ўтказилаётди.

Тадбир доирасида Тошкент шаҳар давлат солиқ ва божхона, адлия, статистика бошқармалари ҳамда бошқа муассасалар ходимлари иштирокิดа қатор амалий семинарлар ҳам ўтказилади.

Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Маданияти ва спорт ишлари вазирлиги томонидан 2012 йилнинг ўтган даврида амалга оширилган ишлар ҳамда келгусидаги вазифаларга бағишланган матбуот анжумани ташкил этилди. Унда маданият, санъат ва спорт намоёндалари, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Ўзбекистон маданияти ва спорт ишлари вазирлиги Т.Қўзиёв, Миллий Олимпия қўмитаси раиси М.Бобоёв ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида маданият, санъат ва спорт соҳаларида амалга оширилётган кенг қўламли ишловлар халқимиз маънавиятини юксалтириш, ҳар томонлама баркамол авлоднинг тарбиялашга хизмат қилаётганини таъкидлашди.

Матбуот анжуманида оммавий ахборот воситалари ходимларини қизиқтирган саволларга жавоб қайтарилди.

Пардабой ТОЖИБОЕВ, журналист

МАТБУОТ АНЖУМАНИ

Бозор иқтисодиёти даврида барча соҳалар каби энгил саноат тармоғи ҳам жиҳидий синовларни бошдан кечирди. Яқинда Миллий матбуот марказида «Ўзбекистон саноат» компанияси раҳбарлари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирокида ўтказилган йиғилишда ана шулар ҳақида гап борди.

Инвестиция эвазига

6 та корхона барпо этилиб, 1164 та иш ўрни яратилди

Муҳими, бугунги кунда тармоқ ривожланиш йўлида жадал суръатлар билан бораётди. Жорий йилнинг биринчи чорағида 210,5 млн. долларлик маҳсулот экспорт қилинганлигининг ўзи ҳам фикримизга ёрқин далил бўла олади.

Компания ўзининг стратегик йўналишларини аниқ белгилаб олганлиги соҳада эришилаётган бугунги муваффақиятларнинг гарови бўлаётди. Жумладан, корхоналарни техник қайта жиҳозлаш ишлари асосий вазифалардан бирига айланиб, пахта ва ипак толасини чуқур қайта ишлашга катта эътибор қаратилмоқда. Барпо этилаётган корхоналарни замонавий технологиялар билан жиҳозлашда инвестицияларни тўғридан-тўғри жалб қилиш ўз самарасини бермоқда. Шунингдек, рақобатбардор ва хариддоригр бўлган истеъмол моллари ишлаб чиқаришни ўзлаштириш ва уларнинг ҳажимини ошириш борасида соҳа мутахассислари тинимсиз изланишлар олиб бораёпти. Ички бозорни тайёр маҳсулотлар билан таъминлаш ва экспорт салоҳиятини кучайтириш борасида ҳам кўпгина ишлар йўлга қўйилган.

Тармоқ корхоналарини модернизациялаш энг долзарб масалалардан бири саналади. 2009-2011 йиллар давомида тизимга 345,6 млн. АҚШ доллари миқдоридан инвестиция киритилиб, 72 та корхона ишга туширилган.

2012-2014 йилларда 711 та тўқув, йигирув, тикув цехларидаги эски дастгоҳлар 13,4 млн. АҚШ доллари миқдоридagi янги ускуна ва технологиялар билан алмаштирилиши режалаштирилган.

Жорий йилнинг ўзида хорижий инвесторларни жалб қилиш эвазига 6 та янги корхона иш бошлади. Натيجида 1164 та иш ўрни барпо этилди.

Бугунги кунда компания корхоналари 40 дан зиёд мамлакатларга ўз маҳсулотларини экспорт қилмоқда.

Дилором АЛЛАҚУЛОВА, «Ishonch» мухбири

ФЕРМЕР ВА ЗАМОН

«Чақмоқ»нинг салмоқли ютуғи

Чақмоқ лаҳзалик нури билан бутун борлиқни ёритади, табиятда ҳайратомуз манзара яратди...

Жиззах туманидаги «Чақмоқ» фермер хўжалиги жамоаси ҳам эзгу ният билан фаолият бошлаган. Бундан ўн йил муқаддам «Агробанк»дан олинган 1 млн. 100 миң сўм кредитга 8 бош қорамол харид қилган жамоа ўтган даврда уларнинг сонини 150 тага өтказди. Қўшимча 11 бош йилки, 180 бош қўй-эчки сотиб олинди. Кейинчилик чорвачиликни

янада ривожлантириш, фермер хўжалиги фаолиятини кенгайтириш мақсадида банклардан беш марта кредит олиб, белгиланган муддатларда қарздан қутилишди. Маҳсулотларни қайта ишлаш учун чет эл технологияси жорий этилди. Ана шу ютуқлар тўғрисида 2007 йилда фермер хўжалиги «Ташаббус» танловининг республика босқичида иштирок этишга муваффақ бўлди.

Ҳозир фермер хўжалигида 8 хил маҳсулот тайёрланиб, республикамиз ша-

ҳар ва қишлоқларига өтказиб берилмоқда. Бу йил маҳсулот тури яна ихкитга кўпайиб, қолбаса, омикта эм ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

— Йилига 400 млн. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш имконига эга бўлди, — дейди фермер хўжалиги раҳбари Зафар Ҳақимов. — Маҳсулотга бўлган талабнинг ошиши ишлаб чиқариш кучларини кўпайтиришни тақозо қилаётди. Ишчиларимиз сонини 17 дан 23 нафарга өтди. Улар орасида қоллежни тамомлаб келган ёшлар борлигиндан

жуда хурсандимиз. Фермер хўжалиги корхонасида тайёрланаётган кефир, пишлоқ, қаймоқ каби сўт маҳсулотлари, айниқса, истеъмолчиларга манзур бўлмоқда.

2012 йил жамоа ҳаётида ёрқин из қолдирмоқда. Улар бу йил «Ташаббус» кўрик-танловининг республика босқичида муваффақиятли иштирок этишди. Намойишга қўйилган маҳсулотни кенг жамоатчилик катта қизиқиш билан қўтиб олди.

— Ҳамжасларимдан тажриба ўрганаё-

«ВЕЛО-ТОШКЕНТ — 2012»

Муваффақиятли одимлар

Мамлакатимиз велоспорти янги, янада юксакроқ босқичга чиқиб олди. Бунинг 2010 йилнинг ноябр ойида Хитойнинг Гуанчжоу шаҳрида бўлиб ўтган XVI ёзги Осиё ўйинларида Владимир Тўйчиев томонидан олтин медал қўлга киритилганлиги ҳам тасдиқлайди. Яна бир моҳир велоспортчимиз Муроджон Холмуротов ўтган йилнинг феврал ойида Осиё чемпионатида қумуш медалга сазовор бўлиб, Лондон шаҳрида старт оладиган XXX ёзги Олимпия ўйинларига лицензия олган эди.

Ёдингизда бўлса, ўтган йилнинг бошида Ўзбекистон велоспорт Федерациясининг IV ҳисобот сайлов конференциясида соҳадаги ушбу муваффақиятлар алоҳида таъкидланиб, истиқболли спорт турини ривожлантириш борасида Федерация олдида турган муҳим вазифалар, ечимини кутаятган муаммолар муҳокама этилди. Хусусан, спортчиларни зарур техника ва техник жиҳозлар, махсус спорт кийимлари ва анжонлар билан таъминлаш юзасидан тақлифлар ўртага ташланганди.

Эътироф этиш лозимки, ўтган кеска фурсатда велоспортни ривожлантириш бўйича кўплаб амалий ишлар бажарилди. Спортчилар-

римиз турли халқаро турнирларда улкан зафарларга эришишмоқда. Дарвоқе, кунни кеча Лондон Олимпиадасига пухта тайёрларлик кўраётган Сергей Лагутин Швейцарияда ўтган нуфузли мусобақада маррага биринчи бўлиб келди.

Дунёнинг энг кучли спортчилари қатнашган «Grand Prix du Canton d'Argovie» велопоёғасида Сергей Лагутин 181,5 километрлик масофани 4 соат, 26 дақиқа 10 сонияда босиб ўтди. Моҳир спортчимиз поёга давомида голибликка асосий даъвогарлардан россиялик Владимир Гусев ва австриялик Георг Прайдлерни ортда қолдирди.

Моҳир спортчимиз ушбу мусо-

бақада олтин медал соҳибига айланган биринчи осиёлик велопоёғачидир.

С.Лагутин фаолияти давомида кўплаб нуфузли мусобақаларда шоҳсулага кўтарилган. Жумладан, 2003 йили Канаданинг Гамилтон шаҳрида велоспорт бўйича 23 ёшгача бўлган спортчилар ўртасида ўтказилган жаҳон чемпионатида олтин медалга сазовор бўлган. Велосхоҳи бўйича мамлакатимизнинг кўпқарра чемпиони Бельгия, АҚШ, Австралия, Жанубий Корея, Люксембург, Франция, Швейцария каби мамлакатларда ўтказилган велопоёғалар голиб ва совриндори ҳисобланади.

Кунни кеча пойтахтимиздаги Алишер Навоий номидаги миллий боғини «Наврўз» мажмуисида ажойиб тадбир ўтказилди.

Унда сўзга чиққанлар Республикада велоспортнинг оммавий бораётганини таъкидлашди. Шундан сўнг Чилонзор туманидаги «Бунёд» номидаги мактабга таълим муассасаси болажонларининг кўрғазмалли чиқиши намоийиш этилди.

ЎзКУФКнинг «Республика



ҳудудларида велоспорт турини янада ривожлантириш, унинг оммавийлигини ошириш, спортнинг ушбу тури билан шуғулланувчилар қўламини кенгайтириш ва унинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш бўйича 2011-2012 йилларга мўлжалланган қўшма тадбирлар тўғрисида»ги қўшма қарориди белгиланган тадбирлар ижросини таъминлаш мақсадида Тошкент шаҳар маданият ва спорт ишлари бoш бошқармаси, Тошкент шаҳар касаба бошқармаси ташкилотлари бирлашмаси кенгаши, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси шаҳар филиали билан ҳамкорликда Мустаҳкам оила йилига бағишланган Тошкент шаҳридаги корхона, ташкилот ва муассасаларда фаолият юритувчи меҳнаткашлар — велосипед спорти ҳаваскорлари ўртасида «Вело-Тошкент — 2012» марафони ташкил этилди.

(Давоми 3-бетда).



«Гўзаллик боғи»нинг чеварлари

Мамлакатимизда хотин-қизларнинг бандлик даражасини, оиладаги ва жамиятдаги мавқеини ошириш ишларида хусусий сектор вакиллари ҳам фаол иштирок этмоқда.



Сурхондарё вилоят Денов тумани ишбилармонларидан бири Муҳаммадали Ҳакимов кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ривож учун яратилган кенг имкониятлардан фойдаланган ҳолда тикувчилик цехини очиб, ундан зиёд уй бекасини доимий иш билан таъминлади.

«Гўзаллик боғи» деб номланган кичик корхонанинг чеварлари болалар учун тикаётган замонавий бичимдаги, бежирим ва сифатли кийим-кечақларга буюрт-

малар тобора кўпаймоқда. Суратда: тикувчи Мафтуна Юзбоева. Фарҳод АБДУРАСУЛОВ (ЎЗА) олган сурат

SEMINAR

Фойдали мулоқот

Тошкент шаҳар маданият муассасалари ходимлари бирлашган касаба уюшма кўмитаси тармоқ корхона ва ташкилотларида «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонунининг бажарилиши, жамоа шартномаларини тузиш, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш юзасидан семинар ўтказди.

Унда тармоқ тасарруфидаги барча ташкилот ва корхоналардан вакиллар иштирок этди. Тадбирни бирлашган касаба уюшма кўмитаси бўлим мудир Бахтиёр Холмирзаев олиб борди. Семинарда Тошкент шаҳар касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши меҳнатни муҳофаза қилиш бўлими мудир Р.Махаммадалиевнинг «Шаҳар корхоналари ва ташкилотларида Меҳнат кодекси, меҳнатни муҳофаза қилиш меъёрлари ва қоидаларига риоя этиш бўйича ўрнатилган тартибда жамоатчи-

лик назоратини амалга ошириш тўғрисида», бирлашма кенгаши ижтимоий-иқтисодий манфаатлари муҳофаза қилиш бўлими мудир С.Аъзамовнинг «Жамоа шартномалари тушунчаси, мақсади, асосий тамойиллари, уларнинг мазмуни ва тузилиши ҳақида», юридик бўлими ҳуқуқшуноси Гулбахор Шомаксудованинг «Ўзбекистон Республикаси меҳнат қонунчилиги масалаларига оид», бирлашган касаба уюшма кўмитасининг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини муҳофаза қилиш бўлими етакчи мутахассиси Қ.Амир-

жовнинг «Жамоа шартномаларини тузишга оид тавсиялар» мавзусидаги маърузалари тингланди.

Бундан ташқари, тадбир дастурига асосан маънавият соати ўтказилиб, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси сийёсий шарҳловчиси, Халқаро антик дунё илмий Академияси академиги Қобилбек Қаримбеков «Тарихдан сабоқ олиб, замон билан ҳамқандам бўлиб яшаш — бугунги ҳаётнинг ўткир талаби» мавзусида кенг тушунча берди. Шарҳловчи Президентимизнинг 2012 йил 9 майдаги ОАВ орқали берган интервюсига атрофлича тўхталиб, бугунги кунда долзарб бўлиб турган масалалар юзасидан кўпчилиكنи қизиқтираётган маълумотларга эътиборни қаратди.

Шарофат НОРҚУЛОВА, «Ishonch» мухбири

УСТУВОР Йўналишлар — АМАЛДА

161 корхона, ташкилот ва ўқув муассасалари бошланғич касаба уюшмаси ташкилотларини тасарруфига олган АСМ ходимлари касаба уюшмаси Тошкент шаҳар кенгаши ўз сафига 31 минг нафардан зиёд аъзони бирлаштирган. Улардан 6657 нафарини Тошкент ирригация ва мелиорация институти ҳамда Тошкент иқтисодиёт ва сервис коллежида тахсил олаётган талаба-ўқувчилар ташкил қилади.

таҳамлигини сақлаш, Президентимиз Ислам Каримовнинг Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил янвурлари ва 2012 йилга белгиланган устувор йўналишларга бағишланган мажлисдаги маърузаси мазмун-моҳияти, корхона ва ташкилотларда ходимларга қулай меҳнат шароити яратиш, меҳнат муҳофазаси

Эл хизматида

Кенгаш аъзоларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ва меҳнат ҳуқуқларини ҳимоялаш, ходимлар ва улар оила аъзоларини соғломлаштириш, маданий-маърифий ва спорт ишларига жалб қилишга алоҳида эътибор қаратган.

ойларида Тошкент шаҳар касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши билан ҳамкорликда тизим ходимларидан 180 нафарининг Бухоро шаҳрига, 450 нафарининг Самарқанд шаҳрига саёҳати уюштирилди. Бунда асосан тармоқ корхона ва ташкилотларда ишлаётган ёш ходимлар, уларнинг оила аъзоларига, фаол касаба уюшма ходимлари ва тизимда кўп йиллардан бери ишлаб келаётган фахрийларга эътибор қаратилди.

ҳамда ходимлар ҳуқуқий онгини ошириш, меҳнат ҳуқуқларини ҳимоялаш каби қатор масалаларга атрофлича тўхталиб ўтилди. Қатнашчилар ўзларини қизиқтирган саволларга мутахассислар, касаба уюшмаси ҳуқуқшуносларидан жавоб олишди.

Тармоқ корхона ва ташкилотларда меҳнат қилаётган хотин-қизларнинг жамиятдаги ролини кучайтириш, ҳуқуқий онгини ошириш ҳамда репродуктив саломатлигини муҳофаза қилиш кенгаш қошидаги Хотин-қизлар билан ишлаш комиссиясининг асосий вазифаларидан биридир. Хусусан, «Ўзвено-саноатхолдинг» компаниясида кенгашнинг Хотин-қизлар билан ишлаш комиссияси, Тошкент шаҳар хотин-қизлар кўмитаси, Соғлиқни сақлаш бош бошқармаси, «Оила» маркази билан ҳамкорликда ўтказилган «Аёл — оила мезони» мавзусида илмий-амалий конференция кўплаб мавзуларни қамраб олди. Тадбир доирасида тизимда меҳнат қилаётган фаол аёллар тақдирланди.

Шунингдек, «Мустақкам оила йили» Давлат дастури доирасида тизимда «Соғлом оила — жамият таянчи» шiori остида оилавий мусобақалар ташкил қилинди. Унда тармоқ корхона ва ташкилотларида ўтказилган саралаш босқичларида голибликни қўлга киритган 15 оила қаҳқонлик ва эпчиллик бўйича курашди.

Шунингдек, Мустақкам оила йили муносабати билан Тошкент ирригация ва мелиорация институти Маданият саройида тармоқ ходимлари касаба уюшмаси Тошкент шаҳар кенгашининг «Энг намунали ёш оила» кўрик-танлови ўтказилди. 11 нафар ёш оила қатнашган танлов натижаларига кўра 1-ўрин Тошкент ирригация ва мелиорация институти вакили Комилжоновлар оиласига, 2-ва 3-ўринлар «Агробанк» ОАТБ вакили Мамажоновлар ҳамда «Марказий» комбинат вакили Маматовларга насиб этди.

Устувор йўналишлардан ҳисобланган маданий-маърифий, спорт ва соғломлаштириш ишлари сифатини ошириш, касаба уюшмаларида туризмни ривожлантириш борасида ҳам муайян ишлар олиб борилмоқда. Апрель-май

Касаба уюшмалари олдида турган асосий вазифалардан яна бири ходимлар ҳуқуқий онгини ошириш, қулай меҳнат шароити яратиш, меҳнатни муҳофаза қилишдир. Шу муносабат билан тармоқнинг базавий корхонаси саналмиш «Пахтаसानоат илмий маркази» ОАЖда касаба уюшма фаоллари семинар-тренинги ўтказилди.

Тармоқ ходимлари касаба уюшмаси Тошкент шаҳар кенгаши томонидан ташкил қилинаётган бу каби тадбирлар тизим ходимлари ва уларнинг оила аъзоларини ҳар томонлама ҳимоялашга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Семинарда жамиятнинг асосий бўғини — оила мус-

Д. ҲОШИМОВА, АСМ ходимлари касаба уюшмаси Тошкент шаҳар кенгаши бўлим мудир

ФАОЛИЯТ

Ишонч — катта куч

Эл дарди билан яшаш, шу йўлда хизмат қилиш фидойи инсонларга хос фазилатдир. Шаҳримиз таълим тизими муассасаларида 1977 нафар касаба уюшмаси аъзоси бор. Улар 19 та бошланғич ташкилотга бирлашган. Етакчиларнинг ташкилотчилиги ва жонқурлиги туфайли педагог ходимларнинг қонуний манфаатлари ҳар томонлама муҳофазаланган. Бу эса ўғил-қизларимизнинг давр талабига мос таълим ва тарбия олишида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Етакчиларга ажратилган хоналарнинг дид билан безатилиши, зарурий қўлланма ва хужжатлар билан тўлдирилишида ҳудудий ўқув-семинарлар қўл келаётир. Ишини намунали ташкил этган Гавҳар Холбоева, Гулнора Шакитова, Латофат Наимова, Замира Умирова каби етакчиларнинг интилишлари самарали кечаётти.

Ёш бўлишига қарамадан ўз жамоаси ҳақ-ҳуқуқи, кадр-қиммати учун курашаётганлардан бири 1-мактаб касаба уюшма ташкилоти етакчиси Азизахон Умировадир. Унинг сайланганига ҳали бир йил ҳам бўлгани йўқ. Лекин касбдошлари қалбига йўл топди. Эл ташвиши ўз ташвиши деб билмоқда. Шу туфайли унга бўлган ишонч ва ҳурмат тобора ортиб бораётир.

Хосият БЕРДИЕВА, Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Зарафшон шаҳар кенгаши раиси

ТАДБИРКОРГА МАДАД

«Shirin-Orzu-Quvonch» масъулияти чекланган жамияти асосан қандолат маҳсулотларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган. Мавжуд техникаларнинг ишлаб чиқариш қуввати суткасига 1,5-2 тоннани ташкил этади. Корхона тайёрлаётган «Ширин орзу» шоколад глазури вафлиси, начинкали вафли, бамбук қаламчалари, қарсилдоқ ширин ёстиқчалари, «Ширин орзу» шоколад начинкали конфети ва бошқа маҳсулотлар нафақат болалар, ҳатто катталарга ҳам манзур бўлмоқда.

Барчага манзур

Жорий йил ўтказилган «Ташаббус — 2012» кўрик-танловининг Бекобод шаҳар босқичида «Shirin-Orzu-Quvonch» масъулияти чекланган жамияти «Илнинг энг яхши тадбиркори» йўналиши бўйича голиб бўлди ва вилоятда ҳам совринли ўринни эгаллади. Аини чоғда бу ерда 11 нафар йигит-қиз доимий иш билан банд. Уларга қулай иш шароити яратилиб, махсус кийим-кечақ билан таъминланган. Маълумки, ишлаб чиқариш самардорлиги юқори бўлса, даромад кўпаяди. Натижада ишловчиларнинг иш ҳақи ҳам ошади. Ҳар йили ишчилар меҳнат ташвиши давомида бошланғич касаба уюшма кўмитаси ажратган йўлланмаларини олиб, оромгоҳ ва сиаҳатгоҳлар ҳамда дам олиш масканларида мириқиб ҳордиқ чиқаришяпти.

Дилдора ИСМОИЛОВА, Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ходимлари касаба уюшмаси Бекобод шаҳар мувофиқлаштирувчи кенгаши раиси

ЎЗГИ СОҒЛОМЛАШТИРИШ

Жиззах вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгашида ўтган семинар «Мустақкам оила йили» Давлат дастури ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 10 мартдаги «Болаларнинг дам олишини ташкил этиш ва соғломлаштириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига биноан мактаб ўқувчиларининг ёзги соғломлаштириш мавсумини ташкил этишга бағишланди.

Мухими-болалар қувонсин

— Жорий йил шаҳар ташқарисидаги 15 та ҳамда мактаблар қошидаги 42 та кундузги оромгоҳларда жами 8000 нафар бола дам олиши режалаштирилган, — деди вилоят КУТБК раиси Н.Пардаев. — Шаҳар ва туман ҳокимликлари, тасарруфида болалар оромгоҳлари бўлган барча ҳўжалик юритувчи субъектлар раҳбарлари ва масъул ходимлар оромгоҳларда болаларнинг дам олишини ташкил этиш ва соғломлаштириш концепцияси асосида фаолият олиб бормоқдалар.

Кундузги оромгоҳларнинг асосан энг олис ва чекка қишлоқ ҳудудларидаги мактаблар қошида ташкил этилишига алоҳида эътибор қаратилаёттир.

Семинарда вилоят КУТБК раисининг ўринбосари А. Ихтиёров, вилоят халқ таълими бошқармаси бошлигининг ўринбосари И. Умаров, вилоят СЭНМ бўлим мудир Ю. Борзобоев, вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлигининг ўринбосари Б.Йўлдошев, вилоят «Махсусавдо» ҳиссадорлик жамияти раисининг ўринбосари А. Примқулов, «Дори-дармон» ҳиссадорлик жамияти раисининг ўринбосари У. Бойсинов, вилоят ИИБ масъул ходими Р. Эшонқулов, «Камолот» ЕИХ вилоят кенгаши раисининг ўринбосари Д. Раҳимова ва бошқалар сўзга чиқиб, болалар соғломлаштириш мавсумини муваффақиятли ўтказишга оид ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Абдуманнон АЗИМОВ, «Ishonch» мухбири

ЮТАЛИҚДАГИ СОҶА

Асаларичилар сулоласи

Бу йилги баҳор асаларичилик учун яхши келди. Ҳар, олма, гилос дарактлари гулини шамол учирмади. Асаларичилар кўп асал тўллашди...

Асаларичилар сулоласи бошлиғи Аминбой ота, ортидан бирин-кетин ўғиллари — Максуд, Эркин, Фарҳод, набиралари — Жасур, Жамолдин, Жалолиддин, Камоллиддин, кувелари — Улугбек, Фарҳод, Баҳром ҳам кириб келишди. Саломат ая куйиб-пишганча улар атрофида гирдиқалпақ бўла бошлади. Келинини чақириб:

Аминбой ота бизни асаларичилар кутиси томон бошлади. Йўл-йўлакай қизлари — Гулнора, Клара, Дилбар, Бикажон, набиралари — Дилором, Хуршида ва ёрдамчи асаларичи Муҳаббат Мусобекова билан таништирдилар. Асаларичи бир лаҳза бизни ҳам унутиб, асаларичиларни кўздан кечирди. Ота бирма-бир каттақаларни текшириб кўнгли хотиржам бўлди, шекилли, ёнимизга қайтиб, сўз бошлади:

— Салкам 50 йилдирки, шу ақлли жониворлар билан «ишлайман». Асалари — жуда меҳнатқаш, бир-бирига талабчан, айна вақтда дангасаларга шафқатсиз бўлади. Тартиб-интизомга қатъий риоя қилиб, каттақалар тозалигига эътибор қаратишди.

— дейди тажрибали асаларичи. — Дастлаб қийналган пайтларим бўлди. Устозим тажрибали асаларичи Султон Собировдан бу касбнинг сир-асорларини пухта ўргандим. Ҳолол меҳнатим бир неча бор тақдирланди. Ҳатто энгил автомашина соғва қилишди.

— Болам, тезда чой-нонингни келтириб, овқатингни ҳам тайёрла! Шовотнинг олис йўларини босиб келишининг ўзини ахир.

— Илоҳим, айтганингиз келсин, болаларимнинг, элимизнинг ризиқи мўл бўлсин, Аллоҳ эл-юртга ризқ-насиба, тинчлик-тотувлик инъом этсин!

Аминбой ота бизни асаларичилар кутиси томон бошлади. Йўл-йўлакай қизлари — Гулнора, Клара, Дилбар, Бикажон, набиралари — Дилором, Хуршида ва ёрдамчи асаларичи Муҳаббат Мусобекова билан таништирдилар. Асаларичи бир лаҳза бизни ҳам унутиб, асаларичиларни кўздан кечирди. Ота бирма-бир каттақаларни текшириб кўнгли хотиржам бўлди, шекилли, ёнимизга қайтиб, сўз бошлади:

— Салкам 50 йилдирки, шу ақлли жониворлар билан «ишлайман». Асалари — жуда меҳнатқаш, бир-бирига талабчан, айна вақтда дангасаларга шафқатсиз бўлади. Тартиб-интизомга қатъий риоя қилиб, каттақалар тозалигига эътибор қаратишди.

Касбим билан фахрланаман. Ундан нафақат ўзим, оилам, балки халқ ҳам манфаатдор бўлишмоқда. Асаларичилар сулоласи пайдо бўлгани, захматларимиз туфайли элга ҳам фойдамиз тегаётганидан қувонаман.

Хотинининг сўзидан Аминбой отанинг қадди ростлангандай бўлди. — Отаси, соғ-омон келдингизми? — деди бир пиёла иссиққина кўк чойни узатаркан ширинсўз Саломат ая. — Ҳа, онаси, — деди у ниҳоятда ғамхўр ва меҳрибон хотинига мамнуният билан боқиб. — Ариларингиз ҳам тинч-омонми? Хотинининг бу тарихи ҳазил-му-

Асаларичилик қон-қонига сингиб кетган Аминбой Аҳмедовни Хоразмда кўплар танийди, ҳурмат қилади. Оилапарвар, элпарвар, ҳалол одам, деб алқашади. Отаҳон бу ҳурматга асл ва шифобахш асалари билан эришган. Унинг оиласи ҳақида анчадан бери ёзиш ниятида эдим. Шовот туманидаги «Соҳибкор» фермер ҳўжалиги даласида отахонни учратиб қолдим. Унга мақсадимни айтдим.

— Мангилб йиллар ичида одамзот асаларичиларни ўзига ўргатди. Кичик

меҳнатсевар ҳашаротлар эса одамларга саломатлик улашиб келмоқда. Улар нафақат шифобахш нозмат яратувчи, балки табиатда энг яхши чангловчи ҳамдир. Натижада майсазор ва ўтлоқлар, боғ-роғлар асрлардан асрларга ошиб келмоқда

Аминбой Аҳмедов 1935 йилда Урганч туманидаги Қоровул қишлоғида туғилиб, вояга өтди. Меҳнатқашлиги, хунармандлиги сабаб эл назарига тушди. Саломатхонга уйланди. Бахтиёр оилада бирин-кетин фарзандлар дунёга келди. Хонадон ризқ-рўз, баракага тўлди. 1963 йилдан маиший хизмат соҳасида ишлаётган Аминбой Урганч асаларичилик ҳўжалигига ишга киришга аҳд қилди. Ҳўжалик раҳбари Рейимберганд Абдуллаев уни ишга қабул қилишдан аввал яхшилаб синовдан ўтказди. Уйда асалари боқиб-боқмаслигига қизиқди.



билан бирга инсон организми учун фойдали ёввойи ўсимликлар билан озиклантирадлар. Қиш ойига келиб асалари ўзи йиққан асал билан таъминланади. Бир қути асалари учун 18-20 кг. асал керак бўлади. Оилавий тадбиркор Аминбой Аҳмедов бошлиқ асаларичилар савобга дохил эканликларини яхши билишади. Зеро, асал кирган уйга қасал қирмайди.

Шарқия ЭШЖОНОВА, Хоразм вилояти



Мамлакатимизда ўсиб келаётган ёш авлоднинг ҳар томонлама баркамол бўлиб вояга етиши учун доимий эътибор ва ғамхўрлик кўрсатилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 10 март куни қабул қилинган «Болаларнинг дам олишини таъминлаш ва соғломлаштириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ҳам шу мақсадга хизмат қилмоқда.



Маэкур ҳужжат асосида Наманган вилоятидаги 9 ёзги оромгоҳда мавсумга тайёрларли ишлари ушшоқлик билан сифатли амалга оширилди. Соғломлаштириш мавсумининг биринчи босқичида иш бошлаган «Камалак», «Офтобча», «Соҳил», «Тог шалоласи», «Хумо», «Норин», «Ширин» ва «Шодлик» оромгоҳларида бугунги кунда 1 минг 135 ўғил-қиз мароқли дам олмақда.

Янгиқўрғон туманидаги сўлим Нанай кишлоғи ҳудудида жойлашган «Камалак» оромгоҳида 280 нафар ўқувчи ёзги таътил кунларини унутилмас таассуротлар билан бошлади. Ушбу мақсадда мазмунли хордиқ чиқариш ва спорт билан шуғулланиш учун барча шароит яратилган. Озиқ-овқат, дори-дармон, тиббиёт воситалари таъминотининг узлуksизлиги алоҳида эътиборда.

Оромгоҳ кутубхонаси ва тўғарақлари болалар билан гаҳжум. Бу ерда ўтказилаётган турли маданий-маърифий тадбирлар ўғил-қизларга бир олам завқ бағишламқда.

Суратларда: Янгиқўрғон туманидаги Нанай кишлоғи ҳудудида жойлашган «Камалак» оромгоҳида. Ҳотам МАМАДАЛИЕВ (ЎЗА) олган суратлар

ҚАДРИЯТЛАРИМИЗ

Умрбоқий қўшиқ

Ухла болам, алла-ё, Жоним болам алла-ё...

Айтишларича, она алласидаги эзгу ниятларнинг барчаси рўёбга чиқар эмиш. Шунинг учун ҳам алла дунёдаги энг фараҳбахш, боқий қўшиқ саналади.

Бирок... ана шу бироқ қалбимизнинг қай нуқтасини чимдилаб олиб, савол қўяди. Ёш оналарнинг барчаси ҳам алла айта оладими? Алла айтишга қийналиб, DVD ёки телефонда эстрада мусиқасини қўйиб, фарзандини тинчлантиришга, ухлатишга уринаётган келин-чалар ҳаракатларини қандай баҳолаш мумкин?

Ёшларнинг алла-ё ёр-ёрларни яхши билмаслиги, умуман миллий анъана ва қадриятларимиздан анчайин йироқлашиб бораётгани бизни ушбу масалага жиддий ёндашишга ундади, — дейди Таълим, фан ва маданият ходимлари касоба уюшмаси Марказий кенгашининг Хотин-қизлар билан ишлаш комиссияси раиси, Хоразм вилоят кенгаши раиси Муассар Раҳимова. — Шу боис Марказий кенгаш томонидан «Онам айтган аллалар» мавзусида кўриктанлов ташкил қилинди. Мақсад — бетақрор қадриятларнинг ёшлар маънавиятини юксалтиришга хизмат қилишини таъминлаш.

Урганчдаги Оғаҳий номидаги мусиқа ва драма театрида танловнинг Хоразм вилоят босқичи бўлиб ўтди. Унда Урганч Давлат университети ва тармоққа қарашли касб-хунар коллежларида тахсил олувчи 21 нафар қиз алла, ёр-ёр ва ўлан, лапар йўналишлари бўйича ўзаро беллашди.

Талаба қизлар танловга қанчалар пухта тайёрларли кўришганини шундан ҳам билиш мумкин, барча шартлар саҳналаштирилган тарзда ижро этилди. Иштирокчилар эғнидаги миллий либослар томошабинлар ва ҳакамлар томонидан алоҳида баҳоланди.



— Танловга тайёрларан эканман, онам айтган аллалар ҳар лаҳза қулғим остида жаранглаб тургандай бўлди. Онамин саволларга қўйиб ташладим. Устозларимиз ҳам алланинг моҳиятини чуқур тушутиришди, — дейди Хива педагогика коллежи талабаси Рисолат Рўзметова.

Моҳиятини англаб етган талаба қиз ушбу йўналиш бўйича биринчи ўринга сазовор бўлди.

Ёшларни, айниқса, қизларни, садоқат, меҳру вафо руҳида тарбиялашда ёр-ёру ўланларнинг ўзига хос ўрни бор. Ёр-ёр айтиб узатилган қиз энг бахтли келинчалардир. У бири оиланинг энг бахтли бекаси бўлади, ўз болаларининг бахтиёр онасига айланади.

— Юртимиздан байрамлар, тўйлар аримасин, момолар, боболар биз ёшларни дуо қилиб қарчамасин! Бахтимизга кўз тегмасин! — дейди «Ёр-ёр ва ўлан» шarti қолибаси, Урганч санъат коллежи талабаси Гуласал Ҳожиқонова.

— Биз ёшлар маданий меросини асраб-авайламоғимиз ҳам қарз, ҳам фарздор, — дейди «Лапар» йўналиши қолиб, Хазорасп педагогика коллежи талабаси Интизор Қўзиёева. — Бу ҳақиқатни ҳар лаҳза ёдда тутишимиз шарт.

Муҳаббат ТўРАБОЕВА, «Ishonch» муҳбири

ОСТОНА

Мамлакатимизда ёшлар учун яратилаётган кенг имкониятлар уларни келажак сари дадил қадам ташлашга ундайтира. Биздан-да бахтлироқ яшашга чоғланаётган ўғил-қизларимиз шахдида куч-ғайрат, курашга чанқоқлик, орзу-ҳаваслар яққол сезилиб туради.

Келажакка йўлланма

Навоий шаҳридаги 16-умумтаълим мактаби битирувчилари билан «Ким бўлмоқчи-сан, замондош?» мавзусида ўтказилган давра суҳбати ҳам фикримизга исбот бўлди.

Зулфияр Усмонова, маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари: — Таълим муассасамизда 1604 нафар ўқувчи тахсил олади. Уларга 102 нафар олий маълумотли ўқитувчи таълим тарбия берамоқда. Ўқувчилар 7-синфдан оқ ўз қизиқишига кўра фанлар йўналиши бўйича тахсил этилган синфларда ўқий бошлайдилар.

Интилиши қатъийлашган, 8-синфга эркин сўровнома тўлдирлиш орқали қабул қилинади. Бундан ташқари, 73 та тўғарақ ва 8 та спорт секцияси фаолият юритаётди. «Миллий гоё ва мен», «Болалар парламенти», «Ўз-ўзини бошқариш» клублари болалар он-гида ташкилотчилик, раҳбарлик, кўпни ортдан эргаштира билишдек хусусиятларни шакллантиришга хизмат қилаётди.

Жорий ўқув йилини ихтисослаштирилган ва фанларга йўналтирилган 6 та синф, яъни 222 нафар ўғил-қиз битиришмоқда.

Гулҳаё Пардаева, 9-синф ўқувчиси: — Она тили ва адабиёт, инглиз тили фанларини танладим. Бешинчи синфдан бошлаб менга устозим Малика Қўшмуродова раҳбарлик қилди. У киши чинакам соҳа фидойиси. Халқ эртақларини шууримизга сингдиришда меҳнати бекиёв. Келажакда мен ҳам ўқитувчилик касбини эгаллаб, ёш авлод тарбияси йўлида меҳнат қилмоқчиман.

Санжар Эркинов, 8-синф ўқувчиси: — Устозларим қобилиятимни ҳисобга олиб, мени мактабимиз қошидаги «Ўз-ўзини бошқариш» клубига сардор этиб тайинлашди. Аъзоларимиз 103 нафар ёшани ташкил этади. Клуб тенгдошларимизда нутқ, муомала маданияти тўлақонли шаклланишига кўмак беради. Халқимизда «Тил билган — эл билади», деган нақл бор. 2-3 та тилини мукамал ўзлаштириб, таржимонлик қилмоқчиман.

Мансур АЛОВУДИНОВ, «Ishonch» муҳбири

— Анчадан буён бичиш-тиқиш, қуроқ ва турли мато бўлакларидан кўйриқлар ясаш сирасорини ўрганиб келаяпман. Мактабда мусиқа ва адабиёт тўғарақларида қўшимча сабоқлар олдим. Устозим Муборак Эрмухаммедова раҳбарлигида математика фанини мукамал ўрганишга интиляяпман.

Дастлабки ютуқларим ёмон эмас. Гулшода Саидова, 9-синф ўқувчиси: — Ҳуқуқшунослик фанини танладим. Қизиқшим тўғрисида олимпиада танловининг шаҳар босқичида ушбу фандан биринчи ўринни кўлга киритдим. Билишимни янада бойитиб, Самарқанд давлат университетининг ҳуқуқшунослик факультетига ҳужжат топширмоқчиман.

Таълим муассасасида уюштирилган давра суҳбатида ўнлаб битирувчи ёшлар билан дилдан ўртоқлашдик. Бир сўз билан айтганда, юрт равнақи, эл фаровонлигига улшм қўшишдек эзгу ниятлар уларга ҳамроҳ бўлди.

Таълим, фан ва маданият ходимлари касоба уюшмаси Сурхондарё вилоят кенгаши, ўрта махсус касб-хунар таълими ҳамда халқ таълими бошқармалари билан ҳамкорликда ташкил этган кўрик-танлов барчага манзур бўлди.

Қадимда момоларимиз айтган алла, ёр-ёр, лапар ва ўланлар ўқувчи қизлар томонидан шундай маҳорат билан ижро этилдики, кўҳна қилинди.

Жиззах вилоятида ҳам кўрик-танлов юқори савияда ташкил этилди. Маҳаллалар ва шаҳар, туман босқичларида оиладаги маънавий муҳитнинг посбонлари бўлган хотин-қизларда маънавиятни янада юксалтириш орқали хали номлари кўпчиликка таниш бўлмаган, юртимизнинг энг олис ва чекка қишлоқларида тўй маросимларида ижро этиладиган алла, ёр-ёр, лапар ва ўлан санъати соҳибалари кашф этилиб, улар ижоди кенг тарғиб қилинди.


Жиззах санъат коллежида бўлиб ўтган вилоят босқичида алла ижроси бўйича Жиззах шаҳридаги 20-мактаб ўқувчиси Д.Жўрабоева биринчи, Зомин туманидаги 3-мактаб ўқувчиси Ш.Эркинова иккинчи, Фориш туманидаги 1-мактаб ўқувчиси Г.Неъматуллаева учинчи ўринни эгаллашди.

«Ёр-ёр» ижро этиш бўйича Фаллаорол туманидаги 25-мактаб жамоаси, Жиззах политехника институти талабаси Н.Жуманазарова, Бахмал туманидаги 68-мактаб ўқувчиси Ф.Исмаиловлар дастлабки учликдан жой олишди.

«Лапар» бўйича Зомин туманидаги 3-мактаб ўқувчиси М.Саимназарова, Пахтакор туманидан З.Раҳмонова, Жиззах туманилик Г.Бўроновалар голиб деб топилди.

Жиззах шаҳри, Фаллаорол, Зомин, Фориш туманлари вакиллари энг фаол жамоалар, дея эътироф этилди. Баҳрулло КОДИРОВ

ЗУЛФИЯХОНИМ ҚИЗЛАРИ



Мафтунахон

Қарши тумани Сахтатийёз кишлоғида вояга етган Мафтуна Норматова Президентимиз томонидан адабиёт йўналишида Зулфия номидаги давлат мукофоти билан таъдирланди.

Мафтунани истиқлол кашф этган десак, асло адашмаймиз. Ёш шоиранинг «Шукрона» деб номланган илк китоби 2010 йилда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳузурида ташкил этилган «Ижод» жамоат фонди ҳисобидан 20 минг нусxada нашрдан чиқди. Ушбу шеърий тўплам юзга яқин ёш қаламкашлар қўлёзмалари орасидан саралаб олинган ижод намунасиدير.

Мафтунанинг адабиётга муҳаббати замирида оиласидаги адабий муҳит асосий ўрин эгаллайди. Отаси Бахтиёр ака ва онаси Адолат она бўш вақт топилди дегунча фарзандларини ёнига олиб, китоб мутолаа қилишди. Мафтунанинг аммаси, 94 ёшли Ойрашон опа Навоий, Муқимий, Нодира сингари мумтоз шоирларимиз ижодини яхши билади. Мафтуна ана шу аммасига тортган. Қолаверса, меҳрибон бувижони Муҳтарам аядан чеварликни ўрганган. У тиккан кашталар, сўзаналар ўзига хос ва бежирим.

Иқтидор соҳибаси ёш бўлишига қарамай, терига ишлов бериб, унда бисер тиқиш гоёсини амалга оширди ва қарабизки, киши ҳайратини оширадиган гўзал санъат асарини вужудга келди. Ана шу гоёсини ва хунари тўғрисида у 2011 йилда ўтказилган «Ишбилармон ўқувчи» кўрик-танловининг вилоят босқичида голиб бўлди, республика микёсида эса иккинчи ўрин билан таъдирланди.

Бундан ташқари, у «Энг яхши инновацион гоёлар» кўрик-танловининг республика босқичида қатнашиб, «Энг яхши интернет-тақдимот» номинациясини кўлга киритди.

— Танлов шarti бўйича ташландик бўлмлардан фойдаланган ҳолда атроф-муҳитнинг тозаллиги учун ўз ҳиссамизни қўшишимиз ҳамда улардан қандайдир

фойдали нарсалар ясашимиз керак эди, — дейди Мафтуна. — Бизнинг жамоа «баклашка» қопқоқларидан «саломатлик гиламчаси» ясаш гоёсини илгари сурди. Ясси оёқли болаларни даволашда асқотадиган «гиламча» миз кўпчиликнинг эътиборини тортди.

Мафтуна 2010 йилда ўтган иншолар танловида «Уруш бўлмасин жаҳонда» мавзусидаги ижод намунаси билан қатнашиб, республика босқичида биринчи ўринни эгаллади.

2011 йилда «Ҳуқуқ билимдонлари — 2011» республика танловида Қашқадарёнинг «Парламент» жамоаси олий ўринни кўлга киритди. Мафтуна Норматова эса танловнинг «Энг яхши нотик» номинациясида голиб деб топилди.

Урта махсус, касб-хунар таълими маркази, Республика «Меҳр ва муруват фонди», «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ва Халқаро Қизил ҳоч кўмитасининг Марказий Осиёдаги ваколатхонаси билан ҳамкорликда ташкил этилган анъанавий «Наврўз ва қадриятлар» кўрик-танловида «Баҳор бўлиб келдим юрагингизга» деб номланган бадиаси билан қатнашиб, 14 нафар иштирокчи ўртасида голибликка эришди.

2011 йилда Мафтунахоннинг «Хур Ватан насимлари» шеърий тўплами босмадан чиқди. «Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигига 20 йил» эсдалик нишонини билан мукофотланди.

Халқ бадиий хунармандчилиги ва амалий санъатини ривожлантиришга қўшган ҳиссаси, «Дупли тикдим ипақлари тиллодан» кўрик-танловида иштироки учун «Хунарманд» уюшмасининг Қашқадарё вилоят бошқармаси томонидан Диплом билан таъдирланди.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирили-

ги, ўрта махсус касб-хунар таълими маркази томонидан ўтказилган «Конституция — бахтимиз пойдевори» кўрик-танловининг республика босқичи голиби бўлди.

Хуллас, санайверса тугамайдиган ютуқлари, фазилатлари кўпдир бу қизнинг. Юртбошимизнинг ёшларга кўрсатаётган ғамхўрлиги, уларга билдираётган ишончини қўлдан ҳис қилган Мафтуна келажакда жаҳон адабиёти дурдоналарини ўзбек тилига, ўзбек адабиёти намуналарини инглиз тилига ўғириш, жамоат ишларида фаол қатнашиб, Ватан равнақиға ўз ҳиссасини қўшишни мақсад қилган. Бу ёш шоиранинг мисраларида ҳам акс этган.

Мен вужудинг қони бўлиб гупураман, Останондан адоватни супураман, Ҳар лаҳзаданг тўлқинлардек уфураман, Ва жонимни сенинг учун атаганиман...

Увоқ кетган чўпон Широқ қони ҳаққи, Она халқим берган тўзу нони ҳаққи, «Бешигда бўлиганлар» шони ҳаққи, Ва жонимни сенинг учун атаганиман.

Нокасларга топтамайман тупрогимни, Маскан қилиб берай сенга қароғимни, Учирмайман боболарим чироғини, Ва жонимни сенинг учун атаганиман...

Мафтуна бу йил Қарши агробизнес ва тадбиркорлик касб-хунар коллежини «Ҳуқуқ ва ҳўжалик фаолияти» йўналиши бўйича битиришмоқда.

— Юртбошимизнинг «Ҳеч қачон, ҳеч қаврда бўш келман!» деган давратини ўзимга шиор қилиб олганман, — дейди ёш шоира. — Биз ёшлар ҳам жамоат ишларида фаол иштирок этиб, мамлакатимиз мустақиллигини мустаҳкамлашга ўз улушимизни қўшишимиз лозим.

Акмаль АБДИЕВ, «Ishonch» муҳбири

ЎЗИНГДАН ҚЎЙМАСИН...

Фарбининг айрим ривожланган давлатларида яшаётган тенгдошларимизнинг оилавий муҳити билан қизиқиб кўрдим. Аксарият 14-15 ёшга тўлган йигит-қизларнинг ўз уйларидан чиқиб кетиб, бошқа маконларда мустақил яшашлари, очиги, мени ажаблантирди. Ота-оналарнинг хатти-ҳаракати ҳам сал галатирок. Бундай яшаш тарзи уларнинг бадиий филмлари ва ҳатто айрим мултфилмларида ўз аксини топган бўлиб, тўғриси, бу бизга ҳам таъсир этмасмикан, деган хавотирим ҳам йўқ эмас.

Ўзбекона ҳаёт

2012 йилнинг «Мустаҳкам оила йили» деб эълон қилиниши айни муддао бўлди. Ҳар ҳолда, ёшларнинг маънавиятига салбий таъсир этувчи омилларни биргаликда бартараф этишда янада кенг оимконият яратилди. Бу ҳақда ўйларканман, Фитратнинг «Оила ёки оила бошқариш тартиблари» асарига ёзиб қолдирган қўйида фикрларни ёдимга келди: «Одамнинг камоли фақат соғлиқ ва кўчдан иборат бўлмай, балки жисмонан, ақлдан ва ахлоқан юксалишдан иборат. Одамнинг жисми, ақли ва ахлоқи турли касаллик ва нуқсонлардан узоқ бўлиши лозим».

9 май — Хотира ва қадрлаш кўни муносабати билан коллежизда узоқ йиллар ишлаб, фаолият кўрсатган фахрий устозларимиз ва Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ҳолидан хабар олдим. Ташрифимиздан мамнуликларни юз-кўзларидан шундоқ билганим турарди. Улар бизга ўтмиш хотираларини сўзлаб беришаркан, қон-қонимизга сингир кетган қадр-қадрият, меҳр-оқибат сингари анъаналаримизнинг тўб моҳиятини тушуниб отандек бўлдим. Ўзбекона яшаш тарзимиз одоб-ахлоқ меъёрларининг юксак намунаси сифатида яна бир бўй кўрсатди.

Аҳамиятлиси, асрлар давомида эъзозлаб, асраб-авайлаб келинаётган бу каби анъана ва қадриятларимиз қонунларимизда ҳам ўз аксини топган. Масалан, Конституцияимизнинг «Оила» деб номланган XIV бобидаги «Ота-оналар ўз фарзандларини вояга еттуларига қадар боқиб ва тарбиялашга мажбурдирлар» (64-модда), «Вояга етган, меҳнатга лаёқатли фарзандлар ўз ота-оналари ҳақида ғамхўрлик қилишига мажбурдирлар» (66-модда) деган қоидалар мустаҳкамлаб қўйилган.

Ёшлар улуғ отахону онахонларимиз биз ҳақимизда ташвиш қилиб, «Бу дунё кураш майдони. Бу майдоннинг қуроли ақл ва ахлоқдир», дея беҳизга айтишмаган экан. Шу билан бирга, миллий маънавиятимизнинг узвий бўлаги саналмиш ўзбекона яшаш тарзимиз, одоб ва ахлоқимиз билан дунёдаги тенги йўқ халқлардан бири эканмиз, деган хулосага келдим.

Моҳинур ЎҚТАМЖОНОВА, Тошкент юридик коллежи талабаси

Publication details including logos for O'KUF and FTUU, contact information for the editorial board, and subscription rates for various regions.